

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI VAZIRLAR MAHQAMASINING
QARORI

590 Ўзбекистон Республикаси ҳудуди орқали автомобиль
транспортида суюлтирилган газ транзитини тақиқ-
лаш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Божхона кодексининг 9-моддасига мувофиқ, давлат хавфсизлигини таъминлаш, жамоат тартибини, аҳолининг ҳаёти ва соғлигини ҳимоя қилиш, атроф табиий муҳитни муҳофаза қилиш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:

1. 2013 йил 1 январдан бошлаб Ўзбекистон Республикаси ҳудуди орқали автомобиль транспортида суюлтирилган газ (ТИФ ТН коди — 2711) транзити тақиқлансин.

2. Ташқи ишлар вазирлиги ва Ўзбекистон автомобиль ва дарё транспорти агентлиги автомобиль транспортида суюлтирилган газ транзити тақиқланиши тўғрисида юкни жўнатувчиларнинг хабардор қилинишини таъминласинлар.

3. Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси ва Ички ишлар вазирлиги Ўзбекистон Республикаси божхона ҳудуди орқали суюлтирилган газ ноқонуний транзит қилинган ҳолларда суюлтирилган газнинг кўрсатиб ўтилган ҳажмини қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда давлат даромадига қаратиш бўйича тегишли чора-тадбирлар кўрсинлар.

4. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари Р.С. Азимов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2012 йил 26 декабрь,
362-сон